XALQ DEPUTATLARI QIBRAY TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 15 - fevral VI-36-3-10-139-K/22 Qibray tuman hokimligi

Халқ депутатлари Қибрай тумани Кенгашининг 2021 йил 30- декабрдаги VI/XXXV-I сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 412-моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларининг 1 кв.метри учун мутлоқ миқдорда белгиланган минимал қийматидан паст бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 429 ва 437-моддалари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 7 февралдаги “Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022-йил 8-январдаги VI-44-4-10-0-К/22-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги VI-46-22-10-0-К/22-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6- ва 25-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 7-февралдаги “Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 8-январдаги VI-44-4-10-0-К/22-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашининг 2021 йил 30-декабрдаги VI/XXXV-I сонли қарори билан маҳаллалар иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, 2022 йил юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган коеффициентлар миқдорларига 1-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. 2022 йил учун юридик шахслар бўйича мол-мулк солиқлари учун қўлланиладиган мутлоқ миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур қарор иловаларига мувофиқ ўз дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши таъминлансин ҳамда юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорларидан келиб чиқиб тўловлар ундирилсин.

5. Ушбу қарор “Қибрай садоси” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Х.Бекмуродов ҳамда туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Миржалилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **М. Миркасимов**

Халқ депутатлари Қибрай туман
Кенгашининг
2022 йил 15 февралдаги
VI-36-3-10-139-K/22-сон қарорига
1-илова

Qibray tumanida qishloq xo'jaligiga mo'ljallanmagan yer solig'i stavkalari uchun 2022 yilda belgilangan koeffitsientlar

T/r	Mahallalar nomi	Yuridik shaxslardan undiriladigan yer solig'i stavkalari, 1,0 gektar (ga) uchun		Jismoniy shaxslardan undiriladigan yer solig'i stavkalari, 1,0 kv.metr uchun	
		Koeffitsient (0,7 dan 3 gacha)	Yer solig'i stavkasi 2022 yil uchun (ming so'mda)	Koeffitsient (0,7 dan 3 gacha)	Yer solig'i stavkasi 2022 yil uchun (so'mda)
1	M.Ulug'bek MFY	0,80	23 625,6	0,80	216,0
2	Bobur MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
3	Boyjigit MFY	0,70	20 672,4	0,70	189,0
4	Oybek MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
5	Ahillik MFY	0,95	28 055,4	1,00	270,0
6	Bunyodkor MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
7	Navruz MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
8	Tinchlik MFY	0,70	20 672,4	0,70	189,0
9	Fayzobod MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
10	Fidokor MFY	0,80	23 625,6	0,75	202,5
11	Farovon MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
12	Ma'rifat MFY	1,30	38 391,6	1,10	297,0
13	Soxibkor MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
14	Shodlik MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
15	Iftixor MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
16	G'ofur G'ulom MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
17	Zebuniso MFY	1,00	29 532,0	0,95	256,5
18	Beruniy MFY	1,20	35 438,4	1,20	324,0
19	Yangi Obod MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
20	Do'rmon MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
21	Nurafshon MFY	1,20	35 438,4	1,20	324,0
22	Yangi Arg'in MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
23	Yuqori yuz MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
24	Birlik MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
25	Olmazor MFY	1,10	32 485,2	1,00	270,0
26	Qipchoq MFY	0,90	26 578,8	0,80	216,0
27	Hosildor MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0

28	Yangiyo'l MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
29	O'nqo'rg'on MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
30	Yangi O'nqo'rg'on MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
31	Obod MFY	1,30	38 391,6	1,10	297,0
32	Guliston MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
33	Parvoz MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
34	Mustaqillik MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
35	Bo'ston MFY	1,10	32 485,2	1,00	270,0
36	Istiqlol MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
37	O'tkir MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
38	Chinobod MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
39	Xaydarobod MFY	1,20	35 438,4	1,20	324,0
40	Yonariq MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
41	Taraqqiy MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
42	Madaniyat MFY	1,20	35 438,4	1,10	297,0
43	Qurilish MFY	1,10	32 485,2	1,10	297,0
44	Mehnat MFY	0,80	23 625,6	0,80	216,0
45	Ziyokor MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
46	Yangi hayot MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
47	Shalola MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
48	May MFY	0,90	26 578,8	0,90	243,0
49	Yangi avlod MFY	0,70	20 672,4	0,70	189,0
50	Po'lat Qadam MFY	0,90	26 578,8	0,90	243,0
51	Xo'jaqo'rg'on MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
52	Sharq MFY	0,80	23 625,6	0,80	216,0
53	A.Jomiy MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
54	Turkiston MFY	0,70	20 672,4	0,70	189,0
55	Ilg'or MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
56	Uzumzor MFY	1,30	38 391,6	1,00	270,0
57	Darxon MFY	1,30	38 391,6	1,00	270,0
58	Yoshlik MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
59	Botanika MFY	1,00	29 532,0	0,90	243,0
60	Oq-oltin MFY	0,80	23 625,6	0,80	216,0
61	Uymovut MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
62	A.Navoiy MFY	1,10	32 485,2	1,10	297,0
63	Baytqo'rg'on MFY	1,30	38 391,6	1,30	351,0
64	Navbahor MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
65	Istiqbol MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0
66	Ko'prikboshi MFY	1,10	32 485,2	1,10	297,0
67	Nurobod MFY	1,00	29 532,0	1,00	270,0

Халқ депутатлари Қибрай туман
Кенгашининг
2022 йил 15 февралдаги
VI-36-3-10-139-K/22-сон қарорига
2-илова

Qibray tumanida 2022 yilda yuridik shaxslar bo‘yicha mol-mulk soliqlari uchun qo‘llaniladigan mutloq miqdorining belgilangan koeffitsientlari

T/r	Tuman	Koeffitsient (mutloq miqdor)	Belgilangan qiymat (so'm)
1	Qibray tumani	1,0	1 000 000,0